2007 YIL 10 MAY, PAYSHANBA

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 58 (7207). Sotuvda erkin narxda

Хотира боқийдир, қадр – муқаддас

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган 9 Май мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Халқимиз бу санани инсон хотираси ва қадрига эътиборнинг амалий ифодаси сифатида юксак қадрлайди.

Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимиз кўрсатган жасорат ва хизматларнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс. Ватандан минглаб чақирим олисларда кечган беаёв жангларда кўксини душман ўқига қалқон қилган, юрт соғинчи ва қадрдонлар дийдорини дилга тугиб, курашларда жон олиб жон берган минглаб ўзбек ўғлонларининг матонати юракларда мангу яшайди. Фронт ортида меҳнат қилган, уруш туфайли ота-онасидан айрилган европалик минглаб етим-есирларга бошпана берган, ўзи ва фарзандларининг ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз фидойиликлари тоабад унутилмайди.

Хотира ва қадрлаш кунининг бу гал Ижтимоий ҳимоя йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони кекса авлодга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Муҳими, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Тарихдан сабоқ чиқариб, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорламай, миллий ўзликни англаган ҳолда музаффар аждодларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоди эканимизни унутмай яшамоқдамиз. Зеро, бу ёруғ ва дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, мўътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлайди.

...9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар.

Майдон узра сокин мусиқа таралади. Миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган маҳобатли айвон устунларидаги нозик нақшлар қуёшнинг заррин нурларида жозибали товланади. Жанггоҳларда жон фидо этган ватандошларимиз номлари «Хотира китоби»нинг зарҳал варақларига мангу муҳрланган. Мотамсаро она қиёфасида ғамгузор, айни пайтда улуғвор умид намоён. Унинг пойидаги гулхан алангаси уруш хотираларини жонлантиргандек бўлади...

Соат 8.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

- Мана шундай улуғ кунда ўзининг инсоний бурчини адо этиб, жангу жадалларда ҳалок бўлганлар, бугунгидек тинч ва осойишта кунларга етиб келолмаганлар хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз, - деди Ислом Каримов. - Айни пайтда орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди. Уларнинг дуолари эзгу ишларимизда бизга ҳамиша қанот бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқининг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни баён этди:

- Бугун иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 62 йиллик байрами куни, - деди Президентимиз. - Бу ғалаба жаҳон халқлари тарихида, ҳеч шубҳасиз, абадий сақланиб қоладиган улуғ санадир. Фашизм балосини ер юзидан супуриб ташлаш, тинчликпарвар эллар орзиқиб кутган ғалабани таъминлашда бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида 1,5 миллион нафар ватандошимиз жангга кирган. Юртимизда ўша пайтда қарийб тўрт миллион аҳоли истиқомат қилгани инобатга олинса, бу жуда катта рақамни ташкил этиши аён бўлади. Тўрт юз мингдан зиёд ватандошимиз машъум уруш олови ёнган нуқталарда жон берган. Тахминан 130 минг киши бедарак кетган. Булар халқимиз учун жуда катта йўқотиш эди.

Айни кучга тўлган минглаб йигитларнинг қурбон бўлгани, ногиронлик азобини тортганини тасаввур қилишнинг ўзиёқ ҳар қандай инсон қалбини ларзага келтиради, юракларни изтиробга тўлдиради. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бедарак кетганлар кимлар эди? Улар кимнингдир ўғли, отаси, бобоси, суюкли ёри эмас эдими? Юрт тинчлиги йўлида жон фидо қилган бундай инсонларнинг номаълум тақдири бизни доимо ўйга толдиради. Улар ҳақидаги маълумотларни излаб топишимиз, тарихий ҳақиқатни тикламоғимиз зарур. Бу иш олим ва зиёлиларимизнинг шарафли вазифасига айланиши даркор.

Биз фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшганларни улуғлашимиз, уларнинг номини абадийлаштиришимиз, бирор кишини ҳам эътиборсиз қолдирмаслигимиз шарт. Айнан мана шундай эзгу мақсадларни инобатга олиб, мана, саккиз йилдирки, 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Бугун мазкур сана нақадар чуқур маъно ва мазмун касб этиб бораётганини ҳис этиш қийин эмас.

Хотира ва қадр тушунчалари моҳиятан ўзаро боғлиқдир. Зеро, бугунги эркин ва фаровон ҳаётни кўз қорачиғидек асраш билан биргаликда Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойи инсонларни ёдга олиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, сўнмас жасоратини хотирамизда мангу сақлаш, инсоннинг тириклигида қадрига етиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Хотира ва қадрлаш деганда биз орамизда яшаётган инсонларни қадрлаш, ассаб-авайлаш, уларнинг ҳаётини, оғирини енгил қилишни назарда тутамиз. Бу икки тушунча, шубҳасиз, инсон ақлзаковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир.

Инсон ҳаёти абадий эмас, лекин хотира мангу, абадий. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтганларини хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Агар миллат ўзининг келажагини порлоқ кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлмоғи шарт. Боиси, ҳар қандай халқ ва миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур.

Бу санани нишонлашдан мақсад, аввало, ғалабанинг моҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор чуқур англашдан, одамзодни ҳамиша ҳушёр бўлишга, теваракатрофдаги турли хавф-хатарлару бало-қазолардан огоҳликка даъват этишдан иборат бўлмоғи лозим. Инсоният тарихида урушнинг бошқа қайтарилмаслигига, бундай даҳшатларни одамзоднинг ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлашга даъват этадиган тадбир сифатида қабул қилишимиз даркор, деди Юртбошимиз.

Афсуски, дунёнинг турли нуқталарида ҳамон зулм ва зўравонлик ҳукмрон, уруш оловлари ёнмоқда. Жаҳондаги нотинч вазият ва урушлар дунё аҳлини ташвишлантираётгани сир эмас. Минтақамиз ҳам бундай таҳдидлардан холи эмас.

Шу боис халқимиз биз қандай тарихий шароитда, мураккаб замонда яшаётганимизни яхши англаши, вазиятга тўғри баҳо бера олиши керак. Энг муҳими, огоҳлик ва ҳушёрликни қўлдан бермай, атрофдаги воқеаларга нисбатан бефарқ ва лоқайд бўлмаслик, тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт бунёдкорлари сифатида яшамоғимиз зарур, деди Президентимиз.

Ватанимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини англаб боргани сари уларнинг онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб бўла олаяпмизми?» деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиши, амалда намоён бўлмоғи лозим.

Эртанги кун, ҳеч шубҳасиз, интеллектуал бойликка эга бўлган миллатники, ёшларники, деб таъкидлади Юртбошимиз. Ёш авлоди миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бир қаторда уларга замонавий билимларни эгаллашида таянч бўлмоғимиз лозим. Давр бизнинг олдимизга қўяётган талабларни билмоқ учун, албатта, замонавий билим зарур.

Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига пенсия ва нафақалардан ташқари ҳар йили турли кўринишда ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Уларнинг санаторий ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар аравачалари ва бошқа тегишли воситалар билан таъминланишига, жамоат транспортида бепул юриш ҳамда коммунал хизматлар бўйича компенсациялар олишига катта эътибор берилаётир.

Доно халқимиз «инсон ғанимат», дейди. Дарҳақиқат, биз учун ота-боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаёти ғанимат. Афсуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бир йил муқаддам жойларда шу қутлуғ санани 22 минг 251 нафар уруш қатнашчиси нишонлаган эди. Бу галги байрамгача уларнинг ўн саккиз мингдан зиёдроғи етиб келди. Қариси бор уйнинг париси бор, дейди халқимиз. Шундай экан, биз қарияларимизни авайлаб-асрашимиз, ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари учун қўлдан келганича иззат-икром кўрсатишимиз зарур. Байрамларда қутлаш билан кифояланмасдан уларни шаҳарларга олиб бориш, бунёдкорлик ишлари билан таништириб, истиқлол берган имкониятлардан завқланишига, бугунги замон билан ўтмишни қиёслашларига имкон яратиш зарур.

Бу муқаддас майдон, наинки Хотира ва қадрлаш куни, балки йил бўйи зиёратчилар билан гавжум бўладиган масканга айланган. Кишилар бу ерга шунчаки томоша ёхуд сайр учун келмайдилар, ўтганларни ёд этадилар. Бу туйғу бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни, тирикларни қадрлашга даъват этади. Ушбу майдонга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

* * *

Президент Ислом Каримов шу куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига туташ Молия вазирлиги ғазначилигининг янги биноси билан танишди.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва овулларида ҳам уруш ва меҳнат фахрийлари билан самимий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Тадбирларда осмонимиз мусаффолиги ва юртимиз тинчлиги йўлида азиз жонларини фидо қилганлар, урушдан кейинги йилларда ҳаётдан кўз юмган бир неча ўн мингдан ортиқ инсонлар руҳига Қуръон тиловат қилиниб, хотиралари ёдга олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Х.Абдурахмонов бошчилигида ҳукумат аъзоларининг бир гуруҳи тахиатошлик фахрийлар билан учрашувлар ўтказишди, совғалар топширилиб, дастурхон атрофида ўтганларнинг хотираси ёдланди.

Элликқалъа тумани марказидаги Бўстон шаҳридаги "Мотамсаро она", Афғон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ва "Устозга эҳтиром" ҳайкаллари олдидаги майдонга ҳам уруш ва меҳнат фахрийлари тўпланишди. Улар ёдгорликлар пойига гулчамбарлар қўйишди.

Шаҳардаги санъат саройида фахрийларга тўкин дастурхон ёзилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Жойлардаги тадбирларнинг юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтишида барча ҳокимликлар, мудофаа, ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ҳаракати вакиллари фаол қатнашмоқда.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Эъзоз ва эҳтиром рамзи

ҚАШҚАДАРЁ:

Қамаши туманидаги Чим қишлоғи одамлари ҳалиҳануз уруш асоратларини унутганлари йўқ. Чим ва унга ёндош қишлоқлардан ҳам юзлаб ёш йигитлар фронтга йўл олгандилар. Қақшатқич жангларда мардлик намуналарини кўрсатдилар. Айрим ватандошларимизга эса она қишлоғига қайтиб келиш насиб этмади. Уларни хотирлаш бугунги авлоднинг муқаддас бурчидир.

Куни кеча бу қишлоқда ҳам Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбирда бугунги фаровон ҳаётимиз, тинч-тотув кунларимиз учун қўлига қурол олиб, беаёв жангларда мардлик кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари шарафланди.

Тадбирда жанг кўрган отахонлар ёшларга уруш азоблари, унинг мудҳиш мусибатлари ҳақида гапириб бердилар. Бугунги мусаффо осмонимиз, тинч-хотиржам кунларимиз қадрига етиш кераклигини алоҳида таъкидладилар. Ўз навбатида, ёш ўғил-қизлар Истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраш, юртимиз равнақига хизмат қиладиган инсонлар бўлишга ваъда бердилар.

–Ҳозир фуқаролар йиғинимиз ҳудудида 12 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилаяпти, – дейди Чим ҚФЙ раиси Зокир Дўстмуродов. –Уларни қадрлаш, фаровон ҳаёт кечиришлари учун имкониятлар яратиш вазифамиздир. Шу маънода, ҳар бир уруш иштирокчисига ҳомий ташкилотлар биркитилиб, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий мадад берилаяпти.

–Бугунгидек фаровон кунлар учун Оллоҳга шукроналар айтаман, – деди Ш.Ирисбоев. – Урушдан кейин хўжаликда ҳисобчи бўлиб ишладим. Ўн фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик. Қирқ набира, учта чеварамиз бор. Ҳукуматимиз томонидан биз фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан миннатдорман.

Фахриддин БОЗОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

НАВОИЙ:

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада навоийлик жасур ўғлонларнинг ҳам ҳиссаси бор. Уларнинг қанчадан-қанчасига юртига қайтиш насиб этмай, жанг майдонларида шаҳид бўлдилар. Уларни юртдошлари доимо хотирга оладилар.

Ҳозирги кунда вилоятда етти юзга яқин Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бор. Суронли жангу жадаллардан қайтган отахонларимиз айни дамларда юртимиз фаровонлиги, фарзандларимиз тарбияси йўлида ибрат намунаси бўлиб келмоқдалар.

Хотира ва қадрлаш куни Кармана туманида бўлиб, уруш қатнашчилари билан суҳбатлашдик.

–Бизлар урушнинг тирик гувоҳларимиз, – дейди 94 ёшли Ризо Ҳамроев. – Уруш офат эканлигини биз биламиз, шунинг учун давлатимизнинг тинчликпарвар, халқпарварлик сиёсатини ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз.

–Қирғинбарот урушнинг барча даҳшатларини бошимдан кечирдим. Тинчлик йилларида турли соҳаларда ҳалол ишладим, – дейди жалоирлик Даврон бобо Фармонов. – Истиқлол берган эркинлик уруш қатнашчилари хонадонига тўкинлик ва фаровонлик олиб келди. Давлатимиз яратиб берган имкониятлар учун Президентимизга ташаккуримни изҳор этаман.

Бу йилги Хотира ва қадрлаш куни Навоийда эъзозлаш ва ғамхўрлик кўрсатиш намунаси сифатида нишонланди. Уруш қатнашчилари ҳамда ногиронларнинг хонадонларига ташриф буюрган мутасадди ташкилот раҳбарлари уларни шонли кун билан табриклаб, эсдалик совғалари топширдилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

(Давоми 2-саҳифада)

Замонавий технологиялар кўргазмаси



Бунда фермерлар нафақат янги технологиялар билан танишмоқдалар, балки уларни харид қилиш, фойдаланиш йўлларини ўрганишга ҳам эришмоқдалар.

Хайрли ишнинг анъанага айлангани қандай яхши. Чунки эзгу ишлар туфайли халқ фаровонлиги ошиб, мамлакат иқтисодиёти барқарорлашиб бораверади.

"Uzbekistan Agrominitech Expo-2007" қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг II Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ана шундай хайрли тадбирлардан бири, десак муболаға бўлмас.

Маълумки, биринчи ана шундай кўргазма Президентимиз ташаббуси билан ўтган йилнинг октябрь ойида ўтказилган эди.

Айтиш жоизки, бу каби кўргазма-савдоларни ташкил этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бугун қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида фермерлар сони 207,9 мингга етди. Ҳар бир қишлоқ мулкдори етиштираётган маҳсулотини ўзи қайта ишлашдан кўпроқ манфаатдор.

"Uzbekistan Agrominitech Expo-2007" кўргазма-савдоси фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарга хорижий компанияларнинг замонавий, илғор минитехнологиялари, ихчам ускуналари билан танишиш, уларга шу ернинг ўзида буларни сотиб олиш учун шартномалар тузиш имкониятини беради.

Ушбу кўргазма-савдога Германия, Венгрия, Италия, Бельгия, Австрия, Россия, Исроил, Украина ва Хитой каби жаҳоннинг етакчи давлатларидан 200 га яқин компания ҳамда фирмаларнинг минитехнологиялари қўйилган.

Иккинчи бор ўтказилаётган мазкур тадбирнинг ўтган йилгисидан фарқи шундаки, бу йилги тадбир давомида хорижий компания вакиллари иштирокида фермерлар учун семинарлар ўтказилаяпти. У қишлоқ мулкдорлари билимларини бойитиш, технологияларни ишлатиш борасида тажрибасини ортиришга хизмат қилади.

Айни пайтгача республикамизнинг бир неча вилоятларидан қишлоқ мулкдорлари кўргазма-савдога ташриф буюришиб, танишиш ва кўплаб манфаатли шартномалар имзолашга муваффақ бўлишди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

СУРАТДА: кўргазма фаолиятидан лавҳа.
Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

Хотира боқийдир, қадр – муқаддас

(Боши 1-саҳифада)

АНДИЖОН:

Айни йигитлик чоғида иккинчи жаҳон уруши жанг-гоҳларига кирган Абдуқаҳҳор Абдураҳимов фронтдан қайтибоқ ўқиш-ўрганишга киришди. Сарой қишлоғидаги 62-мактабда болаларга физика-математика фанидан сабоқ бергани ҳолда сиртдан олий таълим олди. 70 ёшигача қадрдон мактабини тарк этмаган отахон бугунги кунларнинг қадрини, қимматини обдон биласи ва бу ҳақда гапиришдан асло чарчамайди.

–Ҳа, бугунги ёшлар бахтли, – дейди Абдуқаҳҳор ота. – Бизнинг болалигимиз, ўсмирлигимиз билан асло қиёслаб бўлмайди. Президентимиз, ҳукуматимиз неки топса, фарзандлар келажаги учун сарфлаяпти. Қаранг, ҳашаматли академик лицейлар, коллежлар. Ақл бовар қилмайдиган энг ноёб ўқув қуролларини кўриб қувонасан, қувонаверасан.

–Андижондан 97 минг киши ўша машъум урушда қатнашган, – дейди "Нуроний" хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Таваккал Топволдиев. – Ҳозирда уларнинг 1 минг 300 нафардан зиёди қарилик гаштини суряпти. Президентимизнинг Фармони доирасида жойларда Хотира ва қадрлаш куни тадбирлари ўтказилмоқда. "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маънавият-тарғибот маркази" ҳамкорликда ушбу сана олдидан ҳар бир маҳалла ва қишлоқларда қабристонларни ободонлаштириш ишлари - умумхалқ ҳашари ташкил этилди.

Ўтказилган тадбирлар давомида ўтганлар номи ёд этилди, фронт ортида ғалаба учун меҳнат қилган 20 мингдан зиёд инсонлар ҳурмати жойига қўйилди.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

БУХОРО:

I гуруҳ ногирони Ибод бобо Саидмуродовни уйига йўқлаб келишгани отахоннинг кўнглини тоғдек кўтарди. Ромитан қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ҳудуддаги яна икки нафар уруш қатнашчиси ҳолидан хабар олиб, совға-салом улашдилар.

Ромитан туманидаги мазкур қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р.Норовнинг билдиришича, ҳудудда айни дамда 12 нафар уруш қатнашчиси истиқомат қилаяпти. Куни кеча "Нуроний" жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда улар бир пиёла чойга таклиф этилди. Отахонлар ўзаро дийдорлашиб, ўтганлар номини ёдга олишди, кўнгилларида шукроналик ҳиссини туйишди. Уйларига эса ҳомийлар ва жамғарманинг пул мукофотлари, совғалари билан қайтишди.

Тумандаги бошқа қишлоқ ҳамда маҳаллаларда ҳам уруш ва меҳнат фахрийларига эҳтиром кўрсатилди. Фахрийлар мамлакатимиз Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ пул мукофотлари ҳамда ҳомий ташкилот, фермер хўжаликларининг ҳимматидан баҳраманд бўлдилар.

Хотира ва Қадрлаш кунидаги асосий тадбирлардан бири эса Бухоро шаҳридаги Сомонийлар дам олиш боғида барпо этилган Хотира хиёбонида бўлиб ўтди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

САМАРҚАНД:

Нарпай туманидаги "Шодлик" ресторанида 530 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам тадбири ўтказилди. Қуролдошлар бир пиёла чой устида жанггоҳларда ҳалок бўлган дўст-биродарларини ёд этишди. Туман ҳокимлигининг масъул ходимлари, тадбиркорлар, фермерлар шу куни 40 нафардан зиёд уруш ногиронлари ҳолидан хабар олишди.

- Хотира ва қадрлаш тушунчалари бу дунёдан ўтганларни ёд этишни, ёнимизда туриб, сафимизда ҳалол меҳнат қилаётган азиз инсонларни эъзозлаш зарурлигини англатади. - дейди оқтошлик уруш қатнашчиси Норбек Мардонов.

Самарқанд шаҳри ва вилоятнинг барча туманларида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Уруш ва меҳнат фахрийларига иззат-ҳурмат, эҳтиром кўрсатилиб, уларга қимматбаҳо совғалар ҳадя қилинди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

* * *

Шунингдек, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида ҳам Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди.

Мангу ибрат тимсоли

Бу ҳақда ёшларимиз фикри қандай?

Пойтахтимиз қоқ марказида жойлашган сокин боғ, у ердаги Мотамсаро она ҳайкали сиймоси ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Бу боғга ташриф буюрган ёшу қари мушфиқ она ҳайкали қаршисида унсиз тиз чўкади, чексиз ўйга толади. Юртимизнинг турли вилоятларидан келган юртдошларимиз Мотамсаро она сиймосида ўз момосини, унинг мунгли боққан кўзларида волидасини кўргандек бўлади. Юртбошимизнинг ўзлари бош меъмор бўлган бу боғ ҳар биримизга тинчликнинг нақадар тотлилигини англатиб тургани рост.

Эътироф

Шу ёруғ кунларда ўтганлар зиёратига шошган ёшларнинг кўнглидаги ўй-кечинмалари билан яқиндан танишиш мақсадида уларни суҳбатга тортдик.

Омон Ҳакимов, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи 1-курс талабаси:

- Мангу сўнмас гулхан ёнида туриб, иссиқ оловнинг тафтида урушда шаҳид кетганларнинг меҳрини туйгандек бўламан. Ҳар гал ўтганлар хотирасини зиёрат қилгани келганимда, сокин боғнинг таровватидан руҳим енгиллашади. Бу ерда мен ўзлигимга қайтаман. Кўнглим таскин топади. Чунки бу боғда ота-боболарим руҳлари бор. Уларга эҳтиром кўрсатиш мен учун, менинг тенгдошларим учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Зуҳра Бўриева, ЎзДЖТУ талабаси:

- Халқимизда инсон - азиз, хотираси муқаддас, деган нақл бор. Ўтганларни хотирлаш, улар руҳини зиёрат қилиш авлодларнинг бурчидир. Бизнинг мана шундай фаровон кунларимизга пойдевор яратган ота-боболаримиз руҳлари олдида доимо қарздормиз. Уларнинг мардона ишлари эса биз ёшларга ибрат бўлмоғи зарур.

Дилафрўз Аҳмедова, Тошкент Давлат Аграр университети II курс талабаси:

- Кекса авлод вакилларининг айтишича, хотира ва қадрлаш ҳаётимиз мезонидир. Муҳтожларга ёрдам қилиш, ҳиммат, саховат, меҳр-мурувват сингари одамийлик хислатлари Хотира ва Қадрлаш кунига бевосита боғлиқдир.

Ўша даҳшатли иккинчи жаҳон урушининг оғриқлари юртимиздаги бирон-бир хонадонни четлаб ўтгани йўқ. Бу оғриқ фронтда ҳалок бўлган йигитларнинг, жигаргўшасидан умрбод айрилган оналарнинг интизор кўзларида, отасидан эрта ажраган болакайнинг ниғоҳларида қотиб қолган. Одамлар осойишталиги учун азиз жонини фидо этганларни хотирлаш инсоний бурчдир.

Орзугул РУСТАМОВА
ёзиб олди.

Нуроний отахонларга иззат-икром кўрсатиш, ёши улуғларни қадрлаш элдошларимизга хос олижаноб фазилат. Доимо улар ҳолидан хабар олиш, хушнуд кунларда байрам билан қутлаш ажойиб анъанага айланган.

"Хотира ва қадрлаш куни" муносабати билан мамлакат пойтахтининг Ҳамза туманида жойлашган Геронтология марказида ўтказилган байрам тадбири шу эзгу анъаналарнинг яна бир ифодаси бўлди. 150 ўринга мўлжалланган мазкур марказда уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар саломатликларини тиклаб, даволанадилар. "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими ва "Маҳалла" жамғармаси Ҳамза тумани бўлинмаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбир бу ерда даволанаётган нуронийлар дилига хушнудлик бахш этди.

СУРАТДА: байрам тадбиридан лавҳа.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ҚОРАКЎЛЧИЛИК:

Меҳнатга яраша даромад

Вазирлар Маҳкамасининг "Қоракўлчиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Қашқадарё вилояти "Қоракўл" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 19 та хўжаликда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

–Ҳозирги кунда вилоятда 460 минг бошдан зиёд қўй-қўзи, 655 бош туя, 300 бош йилқи зооветеринария талаблари асосида боқилмоқда, - дейди бирлашма бош чорвашуноси Бахтиёр Умаров. –2007 йил тўл олиш мавсумида 130 минг бош совлиқ қўзилади. Уларнинг 80 фоизи ўстиришга қолдирилди. Қоракўл терилари сифатини, қўйлар наслини яхшилаш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

Ота изидан

"Кўнғирот" қоракўлчилик хўжалиги тоғли Деҳқонобод туманидаги чорвадор жамоалардан. Муродали Маликов эса юздан зиёд чўпонлардан биттаси. Бепоён яйловлар Муродали учун бешик бўлган. У тоғ бағридаги мўъжазгина чўпон уйида туғилди. Ўн етти ёш акаси Сиддиқ Раҳматовнинг қабатига кириб, қўй боқди. Меҳнат фаолиятини бошлаганига ўттиз йилдан ошди. Бугунги кунда отамерос таёғини маҳкам тутиб, Султонработ яйловида бош чўпонлик қилмоқда.

Айни кунларда отардаги қўй-қўзилар тоғли яйловларда боқилмоқда экан. Сал кейин улар Мўлкамон яйловларига ҳайдаб кетилади. Муродали оға бизни кўриб, қирдан тушиб келди. «Ҳорма, бор бўл»дан кейин бугунги ишлар, келгуси режалар билан қизиқдик.

–Бу йил қишловдан беталафот чиқдик, - дея гап бошлади у. – 300 бош қўй-қўзим бор. Шунинг 200 бошини совлиқлар ташкил қилади. Уларнинг ҳар юз бошидан 120 тадан қўзи олдик. Шунинг 90 фоизини ўстиришга қолдирдик. Мактабни қарийб тугатаётган ўғлим энг яқин кўмакчим. Жун, сифатли қоракўл тери топшириш режаларини зиёдаси билан адо этиб келяпмиз. Вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландим. Мукофот тариқасида 32 бош қўзи натура ҳолда берилди.

Қишнинг изғирин кечаларидан бирида отаримизга бўри оралади. Буни сезган Боёнқора, Бойсиртлон, Бўрибосар илларим менга яқиндан кўмак беришди. Шу-шу сурувга қашқирлар доримай қўйди. Дашту чўллар, тоғу тошларнинг тенгсиз қўриқчилари ана шу бўрибосарлар ҳисобланади, - дея бўйдор гавдали, калласи катта, оёқлари бақувват йўлларга ишора қилди у. – Булар менинг энг яқин дастёрларим. Менда итларнинг тоза зотлари сақланиб қолган.

Муҳаммад Алимов раҳбарлик қилаётган ушбу хўжалик қўйчивонлари шу кеча-кундузда 55 минг гектар майдонни эгаллаган яйловларда 22 минг бошдан зиёд қўй-қўзини яйратиб боқишяпти. Бу иш билан 58 та отардаги 150 нафарга яқин чўпон-чўлиқ банд. Тоғайтемир, Ўсмондара, Галабулоқ, Қўрғонтош, Бўзтепа, Оқ Даҳна, Тарқабчиқай сингари 14 та тоғ қишлоқларидаги аҳолининг асосий қисми чорвадор. Бош чўпонлар Ражаб Довуров, Халил Пардаев, бош чорвашунос Эшқувват Туроповлар кўпчиликка ибрат бўляпти.

–Самарқанддаги Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти жамоаси, жумладан, олим Ҳамид Юсупов раҳбарлигидаги ходимлар билан ҳамкорликда ишлаб келаяпмиз, -дейди хўжалик бош ҳисобчиси Маҳмуд Чоршанбиев. – Мақсадимиз наслчилик ишларини янада яхшилаб, самарадорликни оширишдан иборат.

Яйловлар сурури

Чорвадор учун тўрт фасл бирдек, кечаю кундуз ҳушёр бўлиб, дастурхонларнинг кўрки бўладиган нознеъматларни яратади. У яқинда қишлов ташвишидан қутулиб, кўзилатиш – тўл олишни якунлаган эди. Мана энди, янги мавсум кутиб турибди, ҳозирдан қиш ғамини ейиши, қировли кунларга етиб ортадиган озуқа жамғаришга киришиши керак. Бу юмушга Ғузор туманидаги "Ғузор" наслчилик хўжалиги чорвадорлари жиддий тайёргарлик кўриб қўйишди.

–Халқимизда "Қиш ғамини ёзда кўр", деган жўяли гап бор, - дея суҳбатга қўшилди ушбу хўжалик раиси Маҳмуд Исматов. –Бу йилги баҳор анча серёғин келди. Натижада, дала-даштда ўт-ўлан сероб бўлди. Бу биз чорвадорлар учун қўл келяпти. Сабаби, дағал хашак ва ширали озуқаларни тайёрлашга тез кунларда киришамиз. Ғанимат дамлар эртанги кунга пухта замин ҳозирлашни талаб этмоқда.

Маҳмуд оғанинг айтишича, айни пайтда бу ердаги 90 минг гектардан ошиқ яйловлардаги 98 отарда 300 нафар чўпон-чўлиқ 53600 бошдан сал кўпроқ қўй-қўзини боқмоқда. 40 та қудуқ улар ихтиёрида. Баҳорда 23504 бош совлиқ қўзилади. 60 тонна сифатли жун, 4,5 минг дона қоракўл тери етиштирилди. Хўжалик ҳудудидаги бешта қишлоқда 5 минг нафар аҳоли яшамоқда. 5 та мактаб, 3 та қишлоқ тиббий хизмат шохобчаси ва бошқа маданий-маиший муассасалар чорвадорлар хизматида.

Ўн йилдан бери чорвадорлик касбини эъзозлаб келаётган бош чўпон А.Холмўминов Тоҳам яйловларида 369 бош қўй-қўзини меҳр билан боқмоқда. Бу йил кўкламда ҳар юз бош совлиқдан 120 тадан қўзи олишга эришди.

– Ҳозир ихтиёримдаги 380 бош қўй-қўзини яйратиб боқаяпман, – дея суҳбатга қўшилди бош чўпон Олим Боботов. – 152 дона сифатли қоракўл тери топширдим. Ниятим – меҳнат ютуқларини янада кўпайтириш.

Интилиш

Қут-барака манбаи

–Қўйчивонларнинг ўзига яраша урф-одатлари, таомиллари бор, - дейди Деҳқонобод туманидаги Мардон Ибрагимов номли қоракўлчилик хўжалиги раиси Ҳайит Кўкиев. –Яйлов кишилари буларга оғишмай амал қиладилар. Чўпонлар кўзга кўринмаса ҳам ўзлари сурув билан ҳамиша бирга юрадиган азалий раҳнамо – касб-кор пирига садоқатни сира бузмайдилар. Шу боис, қут-барака манбаи – яйлов руҳи ҳар қандай куфроналиклардан пок сақлайди.

Бугунги кунда хўжалик яйловларида 30 минг бош қўй-қўзи боқилмоқда. Баҳорда 12181 бош совлиқ қўзилади. Уларнинг 80 фоизи ўстиришга қолдирилди. Зотли совлиқ ва қўчқорларни билиб, синчиклаб саралаб бориш яйлов кишиларидан ўзига хос билимдонлик талаб қилади. «Ижтимоий ҳимоя йили»да кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан доимий тарзда хабар олиниб, моддий кўмак берилаётир. Бундан ташқари, хўжаликда юздан зиёд чўпонларга минг бош қўзи мукофот тариқасида берилди.

Бир отардан – икки отар

Серёғин баҳор саховатидан тўйинган заминда турли ўтлар шунчалик гиж униб чиққанки, танга ташласангиз ёлкасида тутиб қолади. Атроф муаттар ҳидга тўлган. Тўрт тараф яшиллик. Қуёш нурларида жами ранглар жилваланади. Сарин ел эсиб турибди. Ана шундай сеҳрнафосатга тўлган бахмал қирлар баҳри-дилингни очиб юборади.

–Чиндан ҳам бугун табиатнинг таровати ўзгача. Қайси бир чорвадор билан салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол сўрасангиз, чўпонларга Оллоҳнинг меҳри ёғилганлигини шукроналик билан изҳор этишади, – дейди Ғузор туманидаги "Пачкамар" қоракўлчилик хўжалиги раҳбари Ўткир Жумаев. – Ўтган йилги қурғоқчилик анча ноқулайликларни келтириб чиқарганди. Бу йил насиб этса, қишга бемалол етиб ортадиган миқдорда хашак жамғарамиз. Бош чўпон Жўра Боймуродов хўжаликнинг Чўян ҳудудига қарашли Оқбўлан яйловларида қўй боқади. Бу йил у ҳар юз бош совлиқдан 120 тадан қўзи олди, унинг салмоқли қисмини ўстиришга қолдириб, бир отардан икки отар яратди. Абдураззоқ Хўжамбердиевнинг ҳам ҳар юз бош совлиқдан олган қўзиси 120 тани ташкил қилди. Назаримда, буларни ҳазрати Хизрга йўлиққанлар, десангиз бўлади. Мустақиллик йилларида туёқ сони ва даромад сезиларли кўпайди. Ҳозир ширкатнинг 58 минг гектар ҳудудни эгаллаган яйловларида 30 минг бош қўй-қўзи боқиляпти. Ўн минг бош қўзи ўстиришга қолдирилиб, 3200 дона сифатли қоракўл тери топширилди. "Ғузор" наслчилик хўжалигидан юз бош зотли қўчқорлар келтиридик. Мақсадимиз – жаҳон бозорига қуёш нурида ялял товланадиган қимматбаҳо қоракўл тери етказиб беришдан иборат.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

"Европа куни"

Европа мамлакатларида 9 май "Европа куни" сифатида нишонланди.

1950 йил ушбу санада Франция ташқи ишлар вазири Роберт Шуман вазирлик декларациясига имзо чеккан ва бу ҳужжат Европа Иттифоқининг ташкил этилишига асос бўлган эди.

Европарламентнинг Брюсселдаги бош қароргоҳида "Европа куни"га бағишланган махсус кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмада Европа шаҳарларининг келажак кўриниши ва архитектура ривожига доир макет ҳамда суратлар намойиш этилди.

Қуюшқондан чиқаётган тартиббузарлар

Францияда президентлик сайлови натижалари эълон қилинганидан сўнг юзага келган тартибсизлик ҳамон давом этмоқда.

Мамлакат полицияси хабарига кўра, сайловда Николя Саркозининг ғолиб бўлганидан норози одамлар турли шаҳарларда давлатга кўп миқдорда зарар келтирмоқда. Ҳисоб-китобларда кўрсатилишича, тартиббузарлар мамлакат бўйлаб мингга яқин автомашинага ўт қўйиб юборишган, ўнлаб дўкон ва автосалонлар вайрон қилинган.

Шу вақтга қадар 600 дан зиёд тартиббузар ҳибсга олинган.

Ҳарбийлар узр сўрашди

АҚШнинг Афғонистондаги қўмондонлиги мамлакат тинч аҳолисидан узр сўради. Бунга шу йилнинг 4 мартида Нангарҳар вилоятининг 19 нафар тинч аҳолиси Америка аскарлари томонидан отиб ўлдирилгани сабаб бўлди.

4 март куни Америка ҳарбийлари колоннасига жангарилар ҳужум уюштиргач, аскарлар йўл четидаги тинч аҳоли вакилларидан иборат тўдани ўққа тутган. Текширувлар натижасида, америкалик аскарлар бу ишни англашилмовчилик туфайли содир этишгани маълум бўлган.

Қўмондонлик вакили Жон Николсон сўзларига кўра, бу воқеада ҳалок бўлган ҳар бир афғонистонлик оиласига товон пули тўланади.

Даҳшат уруғини сепишмоқчи эди

АҚШнинг Нью-Жерси штатида 6 киши террорчилик хуружини режалаштиришда айбланиб қўлга олинди.

Федерал қидирув бюросининг маълумотига кўра, келиб чиқиши югославиялик бўлган бу этник албанлар штатдаги "Форт-Дикс" ҳарбий базасига қуролли ҳужум уюштиришни мақсад қилишган. Уларнинг режаси қурол олди-сотдиси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ билан алоқага чиққач маълум бўлган. Айбланувчилар терговда иложи борича кўпроқ аскарни ўлдириш ва одамлар юрагига даҳшат солишмоқчи бўлишганини айтишган.

Даъволар асоссиз

Россия Федерацияси ва Хитой ҳукумати инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Amnesty Intrernational ташкилоти даъволарини рад этди.

Ушбу ташкилот аввалроқ бу икки давлатни Судан ҳукуматига қуроллароғ ва жанговар самолётлар сотиш билан халқаро эмбаргони бузишда айблаган эди. Шунингдек, ташкилот ҳисоботида бу қуроллаҳаларни жангарилар Суданнинг оғриқли нуқтаси ҳисобланмиш Дарфурда тинч аҳолига карши ишлатишаётгани тўғрисида айтиб ўтилган. Россия ва Хитой ташқи ишлар вазирликлари бу даъволарни асоссиз деб, уни инкор этмоқда.

Мудҳиш автоҳалокат

Африканинг Лесото давлатида мудҳиш автоҳалокат юз берди. Факсбург (ЖАР) ва Мапотен (Лесото) шаҳри орасидаги тоғли йўлда йўловчи автобуси ҳамда юк машинаси тўқнашиб кетган.

Автобус салонидаги йўловчиларнинг барчаси завод ишчилари эди. Тўқнашув оқибатида 50 га яқин одам ҳалок бўлган. Яна 33 нафар йўловчининг аҳволи оғир эканлиги маълум қилинмоқда. LENA ахборот агентлигининг хабарига кўра, қурбонлар сонининг кўплигига автобуса меъёридан кўп йўловчи чиққани ҳам сабаб бўлган.

Хориж ОАВ хабарлари асосида
Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ислоҳот

“Оптимал бухгалтерия”

Унинг жорий этилиши бугунги давр талаби, деб эътироф этилмоқда

Маълумки, “Ўзкимёсаноат” тизимида яқин кунларгача ҳам ҳисоб-фактуралар анъанавий эски бухгалтерия услубида тайёрланарди. Кундалик чиқим ва кирим ҳужжатлари, умуман, барча шаклдаги ҳисоботлар қўлда тузиб келинган. Бу эндиликда жуда сермеҳнат жараён бўлиб, кўп вақт ва ишчи кучи талаб этади, ҳисобхоналардаги меҳнат унумдорлиги талабга жавоб беролмайди.

–Тўққиз мингга яқин хўжалик юритувчи субъектга хизмат қиламиз, - дейди Фарғона вилояти “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари А.Абдуқодиров. – Бошқача айтганда, уларнинг сони сўнгги йилларда 2-3 баробар ошди. Шунинг учун ҳисоб-китоб ишларини янги усул – ахборот технологиялар зиммасига юклаш зарурати туғилди. 2006 йил бошидан махсус дастур асосида маълумотлар базаси яратилиб, барчаси компьютерга жойланган. Янгиликни амалда қўллаш пайти келди. Бу ўринда наманганликлар масалада анча ўзиб кетишди. Айниқса, банк билан модем алоқаси ўрнатилгани диққатга сазовор.

Бухгалтерия ишини махсус дастур асосида компьютерлаштириш бўйича Қашқадарё вилоятида, Хонқада (Хоразм), Жомбойда (Самарқанд) ҳам дастлабки қадамлар қўйилган. Ана шу тажрибаларни умумлаштириш ва жорий этиш масаласи “Ўзкимёсаноат” ДАКнинг 2006 йил 8 ноябрдаги йиғилишида муҳокама этилиб, тегишли йўл-йўриқлар ва тавсиялар берилганди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига кимё хизмати кўрсатиш соҳасида информацион технологияларни ривожлантириш, “Оптимал-бухгалтерия” дастурини такомиллаштириш бўйича режалаштирилган республика семинар-кенгашининг Наманганда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. “Оптимал бухгалтерия” дастури Чуст, Косонсой, Поп ва Тўрақўрғон туманларида муваффақиятли жорий этилган. Вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” ҲАЖ билан шартнома тузган саккиз минг субъектнинг 4,5 мингга яқини ҳамма маълумоти билан компьютерга киритилган.

“Оптимал бухгалтерия” дастури муаллифларидан бири Шуҳрат Худойбердиевнинг айтишича, ҳисобхонада бир неча ходим кунлаб бажарадиган ишни энди битта оператор 5-10 дақиқада уддалаб қўйиши мумкин. Ҳатто, банк билан “Қишлоқхўжаликкимё” ўртасида кодлашган ахборотни электрон имзога асосан алмашиш, корхонада электрон аудит ўтказиш имкониятлари вужудга келади. Дастурнинг муҳим афзалликларидан бири шуки, пул ўтказиш тезлашади, маблағлардан мақсадли фойдаланиш мониторинги кучаяди. Чунки барча фермерларга 12 та рақамдан иборат ички дастур коди берилган, у орқали маблағ тўғрисидаги маълумотлар дебитор ва кредитор ҳисоботлар учун туманлар электрон почтасига юборилади. Башарти, кимё хизматининг туманлардаги ҳисоб рақамлари вақтинча беркитилса ва муомалалар вилоят идораси орқали амалга оширилса, фақат кирим айланмаси ҳисобидан олинадиган иқтисодий тежам 120 миллион сўмни ташкил этади.

“Оптимал бухгалтерия” дастури муаллифларидан бири Шуҳрат Худойбердиевнинг айтишича, ҳисобхонада бир неча ходим кунлаб бажарадиган ишни энди битта оператор 5-10 дақиқада уддалаб қўйиши мумкин.

“Оптимал бухгалтерия”нинг BankNet ва RealNet йўналишларида бирламчи ҳужжатга асосан пул маблағлари, банк муомалалари ва минерал ўғит сотиш маълумотлари жамланган. Унда ҳар бир субъектга тааллуқли бўлган ҳамма маълумотлар бўлади. Масалан, фермернинг туғилган йили, ой ва куни ҳам бор.

Наманган вилояти “Қишлоқхўжаликкимё” ҲАЖ раиси Саидусмон Тошбоев янгиликни шундай шарҳлайди:

–Мен соҳамизда ҳисоб-китоб ишларини компьютерлаштиришнинг иккита афзаллигини алоҳида таъкидлашни истардим. Биринчиси шуки, ҳамма томондан тежамкор усул: бизнинг ҳам, мижознинг ҳам вақти бехуда исроф бўлмайди. Ҳатто, тонна-тонна қоғоз иқтисод қилинади. Иккинчидан, фермер энди идорама-идора, хонама-хона соатлаб, кунлаб сарсон бўлмайдида, асосий эътиборни ҳосилга, далага қаратади, пировард натижага ҳам бунинг таъсири бор, албатта. Ўғит бериш ва транспортдан фойдаланиш режимидаги тиғизлик ҳозир барҳам топган.

–Туманимиз бу йил 11960 тонна ғалла, 7800 тонна пахта етиштиради, - дейди Самарқанд вилояти, “Қишлоқхўжаликкимё” ҲАЖ Жомбой туман филиали ҳисобчиси Эшқувват Холиқов. – Бунинг учун ўн минг тонна минерал ўғит оламиз. Компьютер дастуримиз бор, лекин у битта – (1-С) шакл бўйича программалаштирилган. Наманганда ишлаб чиқилган “Оптимал бухгалтерия” дастури мукаммал, уни жорий қилиш ҳам қийин эмас, йилнинг ўтган давридаги маълумотларни киритсак кифоя.

Хатирчидан келган Шаҳобиддин Нуриддинов ҳам кимё хизмат соҳасини компьютерлаштириш бўйича тузилган дастур маъқул келганини айтди.

– Айниқса, 1150 дан ортиқ мижоз билан шартнома тузган Тўрақўрғон туманлараро филиалида буни ўз кўзим билан кўрдим, - дейди у. – Зеро, қишлоқ хўжалиги тўла-тўкис мулкдорлар тасарруфига ўтган бир пайтда бизнинг вазифамиз энди ўғит сотишгина эмас, балки, тез ва соз хизмат кўрсатиш бўлиши керак.

“Оптимал бухгалтерия” дастури “Ўзкимёсаноат” тизимига тўлиқ жорий этилса, 1,5 миллиард сўм атрофида иқтисодий тежам олиш мумкин экан. Хўш, бу маблағ соҳа учун озми, кўпми? Бу ҳақдаги саволимизга “Ўзкимёсаноат” ДАК бўлим бошлиғи Юсуфали Холёров шундай жавоб беради:

–Аввало, пулнинг бир сўми ҳам пул, миллионлар тийинлардан яралади. Шуниси ҳам борки, тежам ҳам бевосита, ҳам билвосита бўлади. Яъни, айтилган 1,5 миллиард сўм бевосита иқтисод қилинадиган сумма. Шу билан бирга, унинг воситасида аввалдан қилиб келинган жуда кўп харажатларга ҳожат қолмайди. Масалан, хизмат сафарлари сарфи камаяди. Тошкентда ўтириб, минерал ўғит масаласида Қамаши ё Ўчқўрғондаги аҳволни билиш мумкин. Ёки компьютерлаштириш туфайли туман, вилоят марказига, пойтахтга ўнлаб, балки юзлаб одамларнинг папка-папка ҳужжат кўтариб боришига, кунларни, ойларни бехуда сарфлашига ҳожат қолмайди.

Ю.Холёров шуни ҳам айтдики, кимё хизмати соҳасидаги ҳисоб-китобни компьютерлаштириш бўйича Наманган дастури нисбатан анча мукаммал ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, у камчиликлардан холи дейиш нотўғри бўлиши мумкин. Бинобарин, ушбу йўналишдаги бугунги мақсад Наманган тажрибасини бошқа вилоятларда, керак бўлса, хорижда мавжуд дастурлар билан таққослаш, кам-кўстини тўлдиришдан иборат. Ана шу жараёнда “Оптимал бухгалтерия” дастури ўзини ҳимоя қила олса, ана ундан сўнг тегишли тартиб-қоида ва иқтисодий шартлар асосида ишлаб чиқаришга жорий этиш мумкин. Зотан, компьютерлаштириш – давр талаби. Шунинг учун ҳам бу жараёнларни тезлаштириш керак бўлади.

Рустамжон УММАТОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бу кунларга етганлар бор

Ўтган асрнинг алғов-далғовли 40-йиллари. Бу даврда Зариф бобонинг болалиги қолган. У ва тенгқурлари, айни ўйнаб-куладиган болакайлар эртадан кечгача хўжаликнинг ғалласини ўрокда ўриш, 50-60 километр масофага эшакда ташиш, кетмон чопиш билан кунларини ўтказишарди.

Ўша даврнинг талаби шундай эди. Забардаст, алп йигитлар урушга отланган, хўжалик фақат аёллару болалар кучига таяниб қолгани боис, болалик билан эр хайрлашишга мажбур бўлишганди.

Қийинчиликлар ёшгина Зарифни эрта улғайтирди. Бу машаққатларни енгишнинг, одамлар оғирини енгил қилишнинг бирдан-бир йўли техника эди. Шу боисдан техникага қизиқиши кучайди, бир йиллик механизаторлар тайёрлаш курсида ўқиди. Курсни битириб дастлаб Қўшработ туманидаги МТСда механизатор, сўнг муҳандис бўлиб ишлади. Кейинчалик Тошкентда икки йиллик механизация техникумини тугатгач, муҳандислик фаолиятини давом эттирди.

–Меҳнат фаолиятимни эндигина бошлаганимда Зариф ака билан ишлаганман, – дейди бобонинг шогирди, оқдарёлик Назар Аҳмедов. – У киши менга устозлик қилган. Техникага астойдил меҳр қўйиш, ўз касбини севишни Зариф акадан ўргандим. У кишини ҳалигача “Қўшработлик биринчи муҳандис”, деб қадрлашларининг боиси ҳам шунда.

Муҳандислик фаолиятини хўжаликда 1960 йилгача давом эттирган Зариф Зиёдин ўғли кейинчалик Чормитан – ҳозирги Зармитан конида то пенсияга чиққунича ишлади.

Зариф бобо билан дилдан суҳбатлашсангиз, у кишининг теран мулоҳазалари, ҳаётий мушоҳадалари ёшлар учун нақадар ибратли эканлигини ҳис қиласиз.

–Яратганга шукр, ҳаётимдан мамнунман. Қувончли кунларни кўп кўрдим. Ўғилларимдан бири – фан доктори, академик. Унинг ҳар бир ютуғидан ўзимда йўқ севиндим. Бошқа фарзандларим ҳам ўз ҳаёт йўлларини топганидан қувончим чексиз. Айниқса, Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинган кун – ҳаётимдаги энг унутилмас кун бўлди. Тинчлик, осойишталик, бахтли кунларга етганимизга шукрона айтаман.

Қўшработлик Зариф бобонинг қувонганича бор. Ахир, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Мустақиллик унга муборак ҳаж сафарига бориш имконини берди. Зариф бобо – ҳожи бобо бўлди.

...Болаларнинг ўйин-кулгисига қараб ўтирар экан, бобонинг уларга ҳаваси келди. Лабларидан беихтиёр шу сўзлар учди:

–Бу кунларга, шундай замонларга етказганига шукр...

Муҳаммадали САИДОВ
Самарқанд вилояти.

Ҳалемай юртимиз ғалладорларига ғалладга ўрок тушади. Республикамиз деҳқонлари етиштирган ҳосилни нес-нобуд қилмай ўриб-янчиб олиш, албатта, ўрим комбайнларининг мавсумга қай даражада пухта тайёрланганига боғлиқ. Буни яхши англаган Касби тумани МТП жамоаси мавжуд 19 та юқори унумли комбайнни шайлаб қўйишди. Ушбу техникалар ёрдамида 11 минг гектар майдондаги ғалла ўриб олинади.

СУРАТДА: комбайнчилар Ўроз Турсунов, Шаҳзод Каримов, Фурқат Соҳибов.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Қашқадарё вилояти.

ТАШКИЛОТ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

“ЛУЧАФЭРУЛ” , “ЮГОСЛАВСКИЙ” “КУНГАБОҚАР ОТАСИ ОНАСИ” сортли КУНГАБОҚАР ПИСТА УРУҒИНИ СОТАДИ.

маҳсулот сертификатланган

Тел.: 133-44-57, 132-26-76.

DESK-INVEST

Ўзбекистон - Австрия қўшма корхонаси

Ўз маҳсулотларини тавсия қилади:



Уларни тайёрлашда қўлланилаётган фин ускуналари ва замонавий технологиялар, Европа сифати ушбу буюмларнинг камида 50 йил хизмат қилишини кафолатлайди.

Корхонада қалинлиги 0,5 мм бўлган юқори сифатли металл черепицалар, қалинлиги 055-0,8 мм рухланган профнастил ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, 1,5-30 мм қалинликдаги қора прокат ҳамиша сотувда бор.

Маҳсулотлар зангланишдан ва ташқи муҳитнинг қаттиқ таъсиридан ишончли муҳофазаланган.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шамсуддинова кўчаси, 45.
Мурожаат учун телефонлар:
(998 90) 175-62-57; (998 93) 388-01-27

Маҳсулотлар сертификатланган

ТАШКЕНТСКИЙ ФИЛИАЛ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ УНИВЕРСАЛЬНОЙ АГРОПРОМЫШЛЕННОЙ БИРЖИ

ОБЪЯВЛЯЕТ О ПРОВЕДЕНИИ ОТКРЫТЫХ АУКЦИОННЫХ ТОРГОВ

Ташкентский филиал Республиканской Универсальной Агропромышленной биржи (лицензия: DB 001 № 000003), действующий в интересах АООТ «ТФЗ им. А.Ибрахимова», объявляет о проведении 14.06.2007г., 21.06.2007г., 28.06.2007г., 05.07.2007г. и 12.07.2007г. в 10-00 часов торгов части имущества АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова» по адресу: г.Ташкент, Сабир Рахимовский р-н, ул.Беруний, дом 83, комната 311.

До момента подачи заявок, подписания иных необходимых документов с участниками торгов организатор торгов вправе отозвать настоящее объявление о проведении торгов.

Открытые аукционные торги (далее именуемые – **«Торги»**) будут проводиться на основании решения хозяйственного суда г.Ташкента за № 10-0407/8740 от 18.11.2005 г. об объявлении банкротом АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова», Определения Хозяйственного суда г. Ташкента от 29.11.2006 г. о продлении ликвидационного производства до 18 мая 2007 года и решения собрания кредиторов АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова» (протокол собрания кредиторов от 02.04.2007 года).

Торги будут проводиться в форме открытого аукциона четырьмя лотами: лот «А», лот «Б», лот «В» и лот «Г» с поэтапным повышением цены в размере 5 (пять) процентов от начальной цены по адресу: г.Ташкент, Сабир Рахимовский р-н, ул.Беруний, дом 83, комната 311, в 10-00 часов, в каждый из вышеуказанных дней до полной продажи предлагаемого на Торги имущества.

В лот «А» при продаже на торгах включаются здание (далее именуемое – **«недвижимое имущество»**); оборудование, механизмы и иное имущество (далее именуемые – **«основные средства»**), принадлежащие на праве собственности АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова» (далее недвижимое имущество и основные средства совместно именуются – **«отчуждаемое имущество»**).

Общее количество недвижимого имущества по лоту «А» составляет 1 здание.

Общая площадь недвижимого имущества составляет 1 038 кв.м.

Наименование, перечень и основные характеристики здания, входящего в состав недвижимого имущества по лоту «А», прилагаются к настоящему объявлению.

Недвижимое имущество, входящее в состав лота «А», расположено по адресу: Ташкентская область, Ташкентский район, город Келес.

Недвижимое имущество, входящее в лот «А», располагается на земельном участке общей площадью 0,6 га по адресу: Ташкентская область, Ташкентский район, город Келес.

Совокупная начальная Цена выставляемого на Торги отчуждаемого имущества по лоту «А» составляет 34 985 942 сум.

Начальная Цена выставляемого на Торги отчуждаемого имущества по лоту «Б» составляет 4 612 000 сум.

Начальная Цена выставляемого на Торги отчуждаемого имущества по лоту «В» составляет 2 882 500 сум.

Начальная Цена выставляемого на Торги отчуждаемого имущества по лоту «Г» составляет 4 035 500 сум.

Начальные цены выставляемых на Торги здания и основных средств, входящих в состав недвижимого имущества лота «А» и лотов «Б», «В» и «Г», прилагаются к настоящему объявлению.

Прием заявлений и подписание иных необходимых документов для участия в аукционных Торгах от участников торгов осуществляются в срок с даты выхода настоящего объявления, с 10:00 часов до 17:00 часов ежедневно, кроме субботы и воскресенья, по адресу: г.Ташкент, Сабир Рахимовский р-н, ул.Беруний, дом 83, комната 311.

Прием заявлений и иных необходимых документов для участия в аукционных Торгах прекращается за 1 (один) час до начала аукционных Торгов в случае оплаты задатка.

По условиям проведения аукционных Торгов каждый участник обязан подать заявку претендента на торги (заявление) и подписать с организатором торгов — Ташкентским филиалом Республиканской Универсальной Агропромышленной биржи — соглашение о задатке, по условиям которого участник торгов для участия в аукционных Торгах обязан внести задаток в размере 10 (десяти) % от совокупных начальных цен отчуждаемого имущества лотов: «А» в размере 3 498 594,2 сума, «Б» в размере 461 200 сумов, «В» в размере 288 250 сумов и «Г» в размере 403 550 сумов.

Оплата задатка и подписание необходимых документов для участия в Торгах предоставляют право участнику Торгов участвовать в ближайших по дате Торгах, а в случае признания Торгов не состоявшимися по причине отсутствия участников, участник вправе участвовать в следующих ближайших Торгах, указанных в настоящем объявлении.

Со сведениями об отчуждаемом имуществе лотов «А», «Б», «В» и «Г», с перечнем необходимых документов для участия в Торгах, в том числе с правилами Торгов, с условиями соглашения о задатке, с условиями договора купли-продажи имущества АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова», заключаемого с победителем Торгов, и с иными документами можно ознакомиться у организатора торгов — Ташкентского филиала Республиканской Универсальной Агропромышленной биржи, с 10:00 часов до 17:00 часов ежедневно, кроме субботы и воскресенья, по адресу: г.Ташкент, Сабир Рахимовский р-н, ул.Беруний, дом 83, комната 311

С фактическим состоянием отчуждаемого имущества лотов «А», «Б», «В» и «Г» (с предварительным уведомлением организатора Торгов) можно ознакомиться с 10:00 часов до 17:00 часов в рабочие дни по следующему адресу его нахождения: г. Ташкент, Сабир-.Рахимовский р-н., ул. Сагбан, тупик 30, дом 8 или Ташкентская область, Ташкентский район, город Келес.

Договоры купли-продажи отчуждаемого имущества АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова», входящего в состав лотов «А», «Б», «В» и «Г», заключаются между АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова», Ташкентским филиалом Республиканской Универсальнӧй Агропромышленной биржи и победителем Торгов каждого лота в течение пяти рабочих дней с даты проведения Торгов и подписания итогового протокола аукциона.

По условиям Договоров купли-продажи отчуждаемого имущества, принадлежащего АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова», входящего в состав лотов «А», «Б», «В» и «Г», условия платежей осуществляются покупателем в следующем порядке:

Совокупная (общая) цена отчуждаемого имущества (далее – **«цена отчуждаемого имущества»**) устанавливается по результатам аукционных Торгов в сумах и оплачивается Покупателем в сумах либо в долл.США по курсу ЦБ РУз на день оплаты (для иностранных покупателей).

Все платежи по Договорам купли-продажи отчуждаемого имущества АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова» осуществляются Покупателем в установленном порядке на расчетный счет Продавца.

Оставшаяся разница между ценой отчуждаемого имущества и размером ранее уплаченного задатка оплачивается Покупателем в течение 5 (пяти) рабочих дней:

- с момента подписания Договора купли-продажи Отчуждаемого имущества;
- предоставления Покупателю надлежаще оформленного счета.

Путем наличного и безналичного перевода денежных средств на расчетный счет Ликвидационного управления АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова».

По условиям Договора купли-продажи отчуждаемого имущества АООТ «ТФЗ им. А. Ибрахимова» все платежи входят в цену отчуждаемого имущества.

Оформление земельных прав на Покупателя будет осуществляться в том же объеме прав и на тех же условиях, которые на момент опубликования данного объявления принадлежат Продавцу, и это не влияет на цену отчуждаемого имущества, а именно Продавцу отчуждаемого имущества принадлежит право постоянного пользования означенным выше земельным участком площадью 0,6 га.

«Перечень, характеристики, адреса и начальные цены недвижимого имущества и основных средств подлежащих продаже на аукционных торгах»

№	Наименование	Объемно-планировочные данные	Первоначальная аукционная стоимость	Учетный номер в кадастровой книге – литер	№ Кадастра	Адрес нахождения недвижимого имущества
ЛОТ «А»						
1	Склад сырья и основные средства	S=1038 кв.м, h=7,5м, V=7785 куб.м.	34 985 942 сум.	0001	11110103150 009	Ташкентская обл., Ташкентский р-н., г.Келес
ВСЕГО зданий и основных средств по лоту «А»			**34 985 942 сум.**			

№	Наименование	Первоначальная аукционная стоимость (в сумах)	Государственный регистрационный номер	Адрес нахождения имущества
ЛОТ «Б»				
1.	Автосамосвал “КАМАЗ”	4 612 000	10 AQ 087	г. Ташкент, Сабир-Рахимовский р-н, ул. Сагбан, тупик 30, дом 8
ВСЕГО по лоту «Б»		**4 612 000**		
ЛОТ «В»				
1.	Автомашина пожарная «ГАЗ-66»	2 882 500	70 58 ТНН	г. Ташкент, Сабир-Рахимовский р-н, ул. Сагбан, тупик 30, дом 8
ВСЕГО по лоту «В»		**2 882 500**		
ЛОТ «Г»				
1.	Автобус “ЛАЗ 695”	4 035 500	10 AW 055	г. Ташкент, Сабир-Рахимовский р-н, ул. Сагбан, тупик 30, дом 8
ВСЕГО по лоту «Г»		**4 035 500**		

Бекатдаги... беминнат боғ

Қарши-Тошкент йўналиши бўйича енгил машинада кетаётгандик. Ҳайдовчи анча толиққанимизни сезгандай машинани йўл четига тўхтатди.

- Жуда баҳаво жой бу ер, - деди у. - Ҳар гал шу манзилга етганимда тўхтаб ўтишни одат қилганман.

Машинадан тушдигу баҳри дилимиз очилиб кетди. Чоғроққина боғ, атрофида анвойи гуллар очилган. Дарахт остида сўри, атлас кўрпачалар ёзилган. Чой, қанд-қурс. Дастлаб бу манзил ҳайдовчига тегишли бўлса керак, деб ўйлагандик. Кейин билсак, шу катта йўл четида яшовчи бир отахон йўловчилар учун боғ барпо қилган экан.

–Ана, офтобаларда сув, оппоққина сочиқ бор, кейин сўрига марҳамат қилинглар, - ҳайдовчининг мулозаматидан кўнглимиз кўтарилди. Бизга ҳамроҳ онахон эса дуога қўл очиб, боғ яратувчисига миннатдорчилик билдирарди.

–Бу ҳам бир бизнес-да, - деди шерикларимиздан бири.

–Ундай деманг-а, отахон хафа бўлади, - ишора қилди ҳайдовчи. – Ана, ўзлари келаяптилар. Йўловчиларнинг савобини олиш учун қилган бу ишни, ҳаммаси бепул. Пул тутқазсангиз, отахон астойдил хафа бўладилар.

Кўнглимиз ёришиб кетди. Шундай одамлар борлигидан қувондик.

Абдурахмон отанинг нуроний чеҳрасида она заминга чексиз муҳаббат ҳисси уфуриб турганини пайқаш қийин эмасди. Отахон бу бобомерос, муқаддас туйғуни диллардан дилларга кўчишини истайди.

–Хўп савоб ишга қўл урибсиз, – дедим отахонга.

–Отам раҳматли жуда саховатли, бағрикенг одам эди, – сўз бошлади Абдурахмон бобо. – Шу киши кўчадан арава ўтадими, отлиқ ўтадими, доимо уларнинг кўнглини олиш пайида бўларди. Йўл четидаги чинорларни ҳам ўз қўли билан эккан.

Абдурахмон ота бир оз жим қолди. Кейин шеригимизнинг юзига маъноли қараб қўйдида, гапида давом этди.

–Тунов куни бир ёш йигит яп-янги машинасида келиб тўхтади. Дастурхонга таклиф қилдим, иссиққина чой узатдим. Машинасидаги икки қиз ҳам тушди. Ишонасизми, иккала қиз ҳам ширакайф эди. Гапи гапига қовушмайди. Йигитни имлаб чақирдим-да, дакки бердим.

–Сизга нима, бобой, – ўдағайлади у. - Кўрқманг, ҳақингизни икки ҳисса қилиб тўлайман. Шу ерда узузукун чойчақа топай, деб турибсиз-да.

Кўнглим оғриди. Худога шукр, болаларим қарашиб туришибди, нафақа оламан. У йигит айтганидек чойчақа топиш илинжида эмасман.

Биз отахон билан хайрлашиб, машинада манзил сари елиб борардик. Аммо Абдурахмон отанинг нуроний чеҳраси сира кўз ўнгимдан кетмасди. Абдурахмон бобо савоб иш қилишдан завқ туяр экан. Энг муҳими, у бу ишни кўнгилдан чиқариб қилмоқда.

Одатда, ҳар бир воқеликка, унинг сабабчиларига яхши-ёмон, дея баҳо беришга ўрганиб қолганмиз. Бу сафар бир нима деёлмадик, десак отахоннинг соф инсоний фазилатларига, эътиқодига путур етказиб қўядигандек эдик.

Фахриддин БОЗОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Ўзига хос одамлар

Биласизми?

Шарқ халқлари орасида аччиқ қалампир энг кўп ишлатиладиган зираворлардан ҳисобланади. У қуюқ-суюқ таомларни тотимли қилибгина қолмай, бир қатор хосиятли жиҳати билан ҳам ажралиб туради.

Қуйдиради, ёндиради... даволайди

Халқ табобатида ўткир қалампир кукуни безгак хуружини йўқотадиган дори таркибига киради. Ўткир қалампир навлари ўзининг аччиқ меваси туфайли иштаҳа уйғотувчи, овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам беруви омил сифатида ишлатилади. Шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларда, бод, беланги каби хасталикларни даволашда доривор сифатида фойдаланилади. Қалампирли суртма совуқ урганда ишлатилади. Ўткир қалампир асосида тайёрланадиган ёпиштирма малҳамлар қақшатувчи оғриқлардан холи этувчи восита ҳисобланади.

Ўткир қалампирнинг спиртли тиндирмасидан овқат ҳазмини яхшиловчи, меъда ширасини уйғунлаштирувчи дори сифатида фойдаланилади. Қалампир бактерицидлик (яъни, бактерияларга қирон келтирувчи) хусусиятга эга бўлганлиги туфайли ошқозон-ичак йўлининг бузилишида томчи кўринишида истеъмол қилинади. Шунингдек, қалампирли тиндирма бод касаллигида кунгабоқар мойи билан аралаштирилган ҳолда оғриқ қолдирувчи омил сифатида суртилади.

Қалампир мевалари таркибида салмоқли миқдорда С дармондориси, қанд, крахмал, оқсил, мой, клечатка, каротин, флат кислотаси, алкалоид капсоицин, эфир мойлари, стероидли сапонинлар, калий, магний, кальций, темир, фосфор каби унсурлар жам бўлган.

Қалампирни ошқозон-ичак йўли, жигар, буйрак, тоқ бези, хафақон каби касалликларда зиравор сифатида фойдаланиш тавсия этилмайди.

Доно ХЎЖАЕВА,
олий тоифали доришунос.

Ғолиблар аниқланди

Тошкентда болалар шахмат клублари ўртасида турнир ўтказилди. Унда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 30 дан зиёд иштирокчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида Самарқанд болалар ижодиёти маркази жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Пойтахт "Янги авлод форуми" болалар ижодиёти маркази ҳамда Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази ёш "ақл гимнастикаси" усталари иккинчи ва учинчи поғоналарни банд этишди.

Турли йўналишлар бўйича эса самарқандлик З.Мустафоев, А.Гусейнов, Ф.Воҳидова ҳамда пойтахтлик Т.Убайдулин, З.Каримов, А.Толипов ва О.Хушбеков каби шоҳмотчилар ғолибликка эришдилар. Турнир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Чагаев ойнинг энг яхши боксчиси

Жорий йилнинг апрель ойи ўзбек спорти тарихида алоҳида муҳрланиб қолади. Профессионал боксчининг суперогир вазнида ҳамюртимиз Руслан Чагаев россиялик Николай Валуевни мағлубиятга учратиб, WBA чемпионлик камари соҳиби бўлганлиги бутун дунёда оламшумул воқеа, дея эътироф этилди.

Айни пайтда ҳам унинг бу муваффақияти дунё спорти ихлосмандлари томонидан кенг муҳокама қилинмоқда ва юртдошимиз маҳоратига тасаннолар айтилмоқда. Куни кеча Россиянинг "Спорт-экспресс" газетаси мутахассислари ўз анъаналарига содиқ қолган ҳолда ўтган ойнинг энг яхши боксчисини аниқлашди. Ўзига хос тадқиқотлар якунида эса Руслан Чагаев номзодига тўхталишга қарор қилинди.

Шунингдек, газета мутахассислари ойнинг муҳим жанглари ўнталиги рўйхатига "Чагаев-Валуев" баҳсини ҳам киритишган.

Аггер "Ливерпуль"дан кетмайди

"Ливерпуль" ҳимоячиси Даниэль Аггер чемпионлар лигаси финалидан сўнг клуби билан амалдаги шартномани яна тўрт йилга узайтиришга розилик берди, дея хабар қилади Daily Mirror газетаси.

Аггернинг "Ливерпуль" билан амалдаги шартномаси яна 2,5 йилдан кейин поёнига етарди. 2006 йил январида "Брондбю"дан 5,8 миллион фунт стерлингга сотиб олинган даниялик футболчи Рафаэль Бенитес жамоасида ўз ўрнини топа олди. Айнан унинг



голи чемпионлар лигаси ярим финалида "Ливерпуль"нинг "Челси" устидан ғалаба қозонишига замин яратди. Газетада келтирилишича, Аггер ҳозир ҳафтасига 30 минг фунт стерлинг маош олмоқда ва у буни яна беш минг фунтга оширишларини хоҳлаган. Клуб рахбарияти ҳимоячининг бу истагини ҳам инобатга олинишини маълум қилган.

Пекинга илк йўлланма

2008 йил Хитойда ўтадиган олимпиада ўйинларига ҳам тобора оз фурсат қолмоқда. Айни кунларда эса дунёнинг кўплаб нуқталарида олимпиада йўлланмасини берувчи мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай беллашувлардан бири Италиянинг Десандао-Дель-Гарда шаҳрида бўлиб ўтди. Унда кўплаб давлатлардан келган спортчилар билан бирга ҳамюртимиз Виталий Смирнов ҳам енгил атлетика баҳсларида ғолиблик учун кураш олиб борди. Қизғин баҳсларга бой бўлган беллашувларда ўз маҳоратини намоён қилган енгил атлетикачимиз кумуш медаль соҳиби бўлди ва Ўзбекистон спортчилари ичида биринчи бўлиб "Пекин-2008" йўлланмасини қўлга киритди.

Гуллит шайхлар назарига тушди

Daily Mail газетасининг хабар беришича, "Фейеноорд", "Ньюкасл" ва "Челси" клублари собиқ бош мураббийи Руд Гуллит ёзда "Фулхэм" жамоасида иш бошлаши мумкин.

Айни пайтда 44 ёшли голландиялик мутахассиснинг хизматларига "Фулхэм" хўжайинлари Муҳаммад ал-Файёд Карим ва Муҳаммад ал-Файёд Умарлар қизиқиб қолишган. Сўнгги вақтларда Sky Sports ва Нидерландия телеканалларидан бирида эксперт сифатида фаолият юритаётган афсонавий футболчи 1997 йил "Челси" билан Англия кубоги соҳиби бўлганди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Сўранг, жавоб берамиз

Контрактация шартномаси нима?

Савол: *Контрактация шартномалари нима дегани? Шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз.*

О.ОРИПОВ,
Қарши тумани.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 465-моддасида "Контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни қабул қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади", деб белгиланган.

Контрактация шартномаси қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ширкатлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан харид қилувчи (тайёрловчи, савдо, қайта ишловчи) ўртасида тузиладиган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Контрактация шартномаси олди-сотди, воситачилик ва бошқа шартномалар каби хўжаликларнинг ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишнинг ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Контрактация шартномаларини тузиш бевосита хўжаликларда амалга оширилади, тайёрловчи хўжаликка ваколатли вакилини юборади. Тайёрловчи контрактация шартномаси лойиҳаларини хўжаликларга, агар улар турли вилоятларда бўлсалар ҳамда шартнома тузишга рози бўлсалар, почта орқали юборишга ҳақлидир. Хўжалик шартнома лойиҳасини олганидан кейин етти кун мобайнида шартномани имзолаш ва уни тайёрловчига қайтариш масаласини ҳал этади.

Шартнома уч нусхада тузилади ва имзоланади.

Томонлар имзо чеккан шартномани хўжалик рўйхатига олиш учун уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туманлардаги маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекциясига тақдим этади.

Контрактация шартномаси тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин.

Бу шартноманинг ўзига хос хусусиятларидан бири — тайёрловчи томонидан хўжаликларга дон маҳсулотлари учун 40 фоизидан, шунингдек, бошқа маҳсулотларнинг шартномада назарда тутилган қийматининг камида 25 фоизидан, эксперимент тарақасида ишловчи хўжаликларга эса уюшмалар томонидан эркин сотиладиган пахтанинг 40 фоизи ҳисобидан аванс тўлаш амалга оширилиши лозим.

Шунингдек, контрактация шартномасини тузиш муддатини ўтказиб юборганлик ёки асоссиз бўйин товлаганлик учун томонлар муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида, аммо энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима тўлайдилар.

Шартномада иккала томоннинг келишувига кўра мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишлича бажармаганлик учун амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқача жазо чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Жавобни ҳуқуқшунос Рашид КУРБОНОВ тайёрлади.

Мана сенга олам-олам гул...

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ "Беларус" ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Манзилимиз: Тошкент ш., Братислава кўчаси, 11.
Тел.: 151-20-33, 151-20-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!
6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232–Фермер" автомашинаси
"ГАЗ-31105"
"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси
РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS
"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.
Ҳақ тўлаш исталган усулда!
"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина
"ГАЗ-3309" русумли нон ташиш машинаси
"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сиғимли сут ташиш машинаси
"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси
"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус
700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz
Маҳсулотлар сертификатланган

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87, Қабулхона -136-58-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
① -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Ф. АБИЛОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Мусаҳҳих: С. ИСЛОМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-417, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: Адади - 17910
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
E-mail: kishlokhayoti@mail.ru
1 2 3 4 5